

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

# JOFS

## 5-СОН

МАЙ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

# Journal of Fundamental Studies

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 5-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-5

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-5

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-5>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-ўй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

## Юридик фанлар

**КУШБАКОВ Дилшод Мусурманкулович**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7954795>

## ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ ИНСТИТУТИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИГА ДОИР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

### АННОТАЦИЯ

Мақолада чет эл давлатлари жиноят қонунчилигида жиноят субъекти институтига оид нормаларнинг тартибга солиниши, ўзига хос хусусиятлари, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида жиноий жавобгарликка тортиладиган шахсларнинг ёш чегарасини белгиланиши ҳамда жиноий жавобгарлик масаласи чуқур назарий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** жиноят субъекти, жиноий жавобгарлик ёши, жиноий жавобгарлик.

**KUSHBAKOV Dilshod Musurmankulovich**

*is a senior teacher of the Crime Prevention Chair of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in law*

## REGULATION OF THE INSTITUTE OF CRIMINAL SUBJECTS FOREIGN EXPERIENCE IN THE ESTABLISHMENT

### ANNOTATION

The article deals with the registration of the norms of the institution of the subject of a crime, features. The analysis of doctrinal sources, determination of the age and criminal responsibility of the subject of the crime is carried out.

**Keywords:** subject of crime, criminal liability, age of criminal liability.

**КУШБАКОВ Дилшод Мусурманкулович**

*Старший преподаватель кафедры Деятельности профилактики правонарушений доктор философии по юридическим наукам (PhD)*

## РЕГУЛИРОВАНИЕ ИНСТИТУТА СУБЪЕКТОВ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ СОЗДАНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы оформления норм института субъекта преступления, особенности. Проведен анализ доктринальных источников, определение возраста и уголовной ответственности субъекта преступления.

**Ключевые слова:** субъект преступления, уголовная ответственность, возраст наступления уголовной ответственности.

Бугунги кунда хорижий давлатлар қонунчилигида жиноят ҳуқуқининг мустақил институти сифатида жиноят субъекти институти ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланди. Хусусан, ҳуқуқий-қиёслаш назарияси таҳлилида чет эл мамлакатлари жиноят ҳуқуқида жиноят субъекти институтининг қонунчилик техникаси нуктаи назаридан тизимлаштирилганлигини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш мамалакатимиз жиноят қонунида тартибга солинган жиноят субъекти институти янада такомиллаштириш йўналишларини белгилаб беради. Айни пайтда чет эл давлатлари жиноят қонунчилигида жиноят субъекти институтига оид нормаларнинг тартибга солиниши ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади.

Чунончи, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида жиноий жавобгарликка тортиладиган шахсларнинг ёш чегарасини белгилашда турлича ёндашувлар қўлланилган. Масалан, Франция жиноят қонунида жиноят субъектининг энг кичик ёш чегарасини аниқ белгилашни назарда тутмайдиган «суд ихтиёри қоидаси» амал қилади. Чунки Франция жиноят ҳуқуқи доктринаси ҳар бир аниқ шахснинг хилма-хил ҳаётий вазиятлари ва индивидуал хусусиятларининг барчасини фақат суд текширувигина ҳисобга олиши ҳамда шу йўл билангина аниқ бир шахснинг айбли жавобгарликка қодирлигини аниқлаш мумкинлигини тан олади [1].

Бундан ташқари, ёш чегаралари қонунда кўрсатилган мамлакатларда ҳам жиноят субъектининг энг кичик ёшини белгилашда (7–10 ёшдан 16–18 ёшгача бўлган) жиддий фарқлар кузатилади. Хусусан, жиноят субъектининг энг кичик ёши, масалан, Ирландия[2] да – 5, Швейцария[3] да – 7, Шотландия[4] да – 8, Янги Зеландия[5] ва Англия[6] да –10, Туркия[7] да – 11, Канада[8] да – 12 ёш этиб белгиланган. АҚШ[9] да эса вояга етмаганлар ишлари бўйича суд юрисдикциясига 6–12 ёшдаги, максимал даражаси эса 15–17 ёшдаги шахслар киритилади.

Шу билан бирга, мазкур масала бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амал ошириш ҳақидаги минимал стандарт қоидалари[10] да (Пекин қоидаларининг 4-банди) шахснинг айбли, жавобгарликка қодирлик ёши учун универсал мезон сифатида унинг ҳиссий ва ақлий етуклиги белгиланган.

Шу жиҳатдан ҳам қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан хорижий давлатлар жиноят қонунларининг ушбу муаммога ёндашувини таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ривожланиши таъсирида сўнгги ўн йил ичида ғарб мамлакатлари қонунчилиги ва амалиётида ҳимоялаш, ҳомийлик қилишдан воз кечиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шунингдек, жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёш чегарасини белгилаш жараёни жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадларига бўйсундирилганлигида кўринади. Шу боисдан оғир, ўта оғир жиноятлар ва такроран жиноят содир этиш, уюшган жиноий фаолият учун жавобгарлик белгилаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда ҳамда уларга қарши курашишнинг ҳуқуқий чоралари кучайтирилмоқда. Мазкур масалага бундай ёндашиш мантиқан тўғри, бироқ назаримизда, жамиятнинг барқарорлигини ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш борасидаги манфаатларини кўзлаб, жавобгарликнинг минимал ёш чегарасини белгилашда шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш принципларига қатъий амал қилиш зарурдир.

Қолаверса, шу билан бирга, хорижий давлатлар қонунчилигида жиноий жавобгарликнинг ягона ва табақалаштирилган ҳолда ёш чегаралари белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Бунда ягона ёш деганда, жиноий жавобгарлик шахснинг қатъий белгиланган ёшга тўлгандан сўнг тўлиқ келиб чиқиши мумкинлигини ангалатади. Бироқ мазкур ҳолатда вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда айрим ҳолларда енлиллаштирувчи ҳолатлар ёки бундай шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилишгача бўлган тартиблар ўрнатилиши ҳам инкор этилмайди. Хусусан, Андорра (16 ёш)[11], Грузия (14 ёш)[12], Дания (15 ёш)[13], Италия (14 ёш)[14], Латвия (14 ёш)[15], Норвегия (15 ёш)[16], Чехия (15 ёш)[17], Швеция (15 ёш)[18] ва Эстония (14 ёш) [19] каби давлатларда жиноий жавобгарликнинг ягона ёш чегараси белгиланган.

Аммо аксарият хорижий давлатларда жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг индивидуаллаштирилиши нуктаи назаридан табақалаштирилган ҳолда ёш чегаралар қайд қилинади.

Хусусан, бунда ёш чегаралари:

1) вояга етмаганлар жавобгарлигининг ҳуқуқий режимидан;

2) жинойт таркибининг ўзига хос хусусиятларидан;

айбдорнинг субъектив сифатларидан келиб чиқувчи (англаш принципи) асосий мезонлари бўйича таснифланади.

Айни пайтда жинойт жавобгарлик ёши ҳуқуқий режимга кўра, вояга етмаган шахслар жавобгарлигини алоҳида қонунчилик доирасида табақалаштирилган ҳолда кўриб чиқилади, яъни қонунчилик нормаларини шундай тартибда тизимлаштирган мамлакатларда, жинойт жавобгарликни ўрнатувчи амалдаги қонунчилик нормалари билан бир қаторда, вояга етмаганлар жинойт жавобгарлигининг махсус институтини ва уларга нисбатан мослаштирилган ўзига хос санкциялар тизимини белгилайди.

Бунда вояга етмаганлар жавобгарлиги Жинойт кодекси билан эмас, балки махсус қонунлар билан тартибга солинади. Масалан, О. С. Капинус томонидан тайёрланган дарсликда келтирилишча, бундай тартиб Венесуэла, Гватемала, Гондурас, Колумбия, Коста-Рика, Перу, Испания, Иордания ва Маврикия каби мамлакатларда жорий қилинган. Хусусан, вояга етмаганлар жавобгарлигини назарда тутувчи махсус қонунларга кўра, Венесуэла, Гватемала, Гондурас, Колумбия, Коста-Рика, Перуда жинойт жавобгарлик 12 дан 18 ёшгача, Испанияда 14 дан 18 ёшгача, Иорданияда 7 дан 18 ёшгача, Маврикияда 11дан 17 ёшгача бўлган чегарада кўриб чиқилади [20].

Бошқа давлатларда (Ливан, Ливия, Македония, Словения, Таиланд, Хорватия, Швейцария, Эфиопия) вояга етмаганлар жавобгарлиги Жинойт кодексининг ўзида аниқ тартибга солинади [21]. Аммо унда муайян ёш гуруҳлари учун (Ливан [22] да 7–18 ёш, Эфиопия [23] да 9–15 ёш ва ҳ.к.) махсус, яъни «жинойт жазо қўлламаслик» режими назарда тутилган. Шу ва куйида келтирилган давлатларда жинойт жавобгарликнинг минимал ёши жинойт жазоланадиган ёш билан мос келмайди. Масалан, Тайланд [24] да 7 дан 14 ёшгача бўлган шахслар (Швейцария [25] да – 7 дан 18 гача; Македония [26] да – 14 дан 16 гача) жинойтнинг субъекти ҳисоблансада, уларга нисбатан фақат қонун нормаларига кўра, тарбиявий ёки интизомий чоралар қўлланилиши мумкин.

Шунингдек, Япония Жинойт кодексида жинойт жавобгарлик ёши 14 ёш этиб белгиланган нормалар бўйича жазо чоралари, шахснинг 16 ёшга [27] тўлганидан бошлаб қўлланилади. Бундан ташқари, алоҳида давлатларда судларга жинойт жавобгарлик чораларини «катталар» ва «ювеналь» ёшга нисбатан қўлланиладиган таъсир чораларини ихтиёрий танлаш ҳуқуқи берилган. Масалан, Белгияда жинойт жавобгарлик ёши 18 ёш деб белгиланган, бироқ ювеналь судлар истисно тарзида, шахсга нисбатан қўлланиладиган тарбиявий чораларни етарли эмас деб топса, вояга етмаган шахсга нисбатан юритилган жинойт ишини умумий жинойт судларга юборади [28]. Ўз навбатида судлар шахснинг тарбиявий ва жамиятга нисбатан хавф туғдириши мумкин бўлган хусусиятларини баҳолаб ҳамда иш билан боғлиқ бошқа ҳолатларни инобатга олиб, мос келувчи жазо чорасини қўллаш бўйича қарор қабул қилади.

Жинойт жавобгарлик ёшини жинойт таркибининг хусусиятига кўра фарқлашда, аксарият давлатлар жинойт қонунда жавобгарликнинг умумий ёши ва айрим оғир ва бошқа жинойтлар учун камайтирилган ҳолда ёш чегараларини белгилаган. Бундай табақаланиш, хусусан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи барча мамлакатларда ҳамда Литва, Вьетнам, Маршал ороллари, Хитой ва АҚШнинг баъзи штатлари [29] да мавжуд.

Масалан, МДҲ мамлакатларида ҳамда Литва [30], Вьетнам [31], Маршал ороллари [32] ва Хитой [33] да жинойт жавобгарликнинг умумий ёши 16 ёшдан, энг кичик ёши 14 ёшдан, Полша [34] да мос равишда 17 ва 15 ёш этиб белгиланган. Маршал ороллари [35] да энг кичик ёш фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш учун 10 ёш ва номусга тегиш учун 14 ёш этиб белгиланган. Австрия [36] ва Албания [37] да жинойтлар учун жавобгарлик 14 ёшдан, ножўя қилмишлар учун эса 16 ёшдан бошланади.

Шу билан бирга, айрим хорижий мамалакатлар (Болгария [38], Германия [39], Ирландия ёши «айбни англаш принципи»га кўра табақалаштирилган. Масалан, Англия жиноят ҳуқуқида боланинг 14 ёшга тўлгунга қадар бўлган даврида «шахсинг айбдор бўлишга қодир эмаслиги» презумцияси (*doli incarax*) белгиланган. Бироқ агарда бола жиноят содир этаётган вақтда қилаётган ҳаракатларининг ноқонуний эканлигини англаган бўлса, суд бундай презумцияни инобатга олмаслиги ҳам мумкин. Бунда жиноий жавобгарликнинг энг кичик чегараси 10 ёш этиб белгиланган бўлиб, англия жиноят ҳуқуқига кўра шу ёшдан кичик бола жиноят содир этишга қобилиятсиз, деб топилади ва уни рад этиб бўлмайди.

Англияда белгилангани каби (10-14 ёш) «нисбий ақлий жиҳатдан» ёш чегараси Австралия Федераль Жиноят кодекси[44] да ҳам мавжуд. Бундан ташқари Сингапур[45] ва Уганда[46] Жиноят кодексларида бу 7–12 ёшни; Туркия[47] да – 11 – 15 ёшни; Сан-Марино[48] да – 12–18 ёшни; Руминия[49] да – 14–16 ёшни; Германия[50] да – 14–18 ёшни; Польша[51] да – 15–17 ёшни ташкил этади.

Шу билан бирга, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида юридик шахс жавобгарлиги масаласининг тартибга солиниши ўзига хос хусусиятга эга ҳисобланади. Чунки хорижий давлатлар қонунчилигида юридик шахслар жиноий жавобгарлиги турлича кўриниш касб этади. Одатда, хорижий давлатларда юридик шахслар жиноий жавобгарлиги Жиноят кодексларида, бироқ айрим ҳолларда бошқа норматив ҳужжатларда (шу билан бирга, қонун ости ҳужжатларида) ҳам белгиланган [52]. Хорижий давлатлар жиноят қонунларида юридик шахслар учун жавобгарлик белгилашга оид қоидалар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Венгрия [53], Дания [54] ва АҚШ қонунчилиги [55] да юридик шахслар томонидан содир этилган ҳар қандай жиноий жазоланадиган қилмишлар учун жавобгарлик белгиланади. Янги Зеландия [56] ва Покистонда [57] эса юридик шахслар содир этиши мумкин бўлган алоҳида тоифадаги жиноятларнинг рўйхати келтирилган.

Айтиш жоизки, хорижий давлатлар қонунчилигида юридик шахслар жавобгарлигини белгилашда икки хил ёндашув мавжудлигини кўриш мумкин. Биринчи ёндашувга кўра юридик шахслар жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишнинг субъекти сифатида тан олинди, уларга нисбатан тегишли жиноий жавобгарлик чоралари белгиланади (масалан: Австралия, Англия, Ирландия, Канада, Янги Зеландия, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Албания, Босния ва Герцеговина, Венгрия, Македония, Черногория, Чехия, Литва, Молдова, Эстония ва бошқ.) [58] ва иккинчи ёндашув асосида жиноий жазоланадиган қилмишларнинг субъекти сифатида фақат жисмоний шахслар тан олинади, бироқ юридик шахсларга нисбатан бошқа турдаги жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари (Исроил, Австрия, Бельгия, Дания, Исландия, Испания, Люксембург, Мальта, Нидерландия, Норвегия, Чили, Швейцария, Швеция, Сербия, Словакия, Словения, Хорватия, Украина ва бошқ.) қўлланилади. Юридик шахслар жиноий жавобгарлигини белгилаш нуқтаи назаридан мавжуд бўлган мазкур жиҳатлардан кўпроқ биз иккинчи ҳолатни қўллаб-қувватлаймиз. Чунки шахсни жиноят субъекти деб топишнинг асосий жиҳати албатта, субъект ақли расо ва онгли фикрлайдиган, жонли мавжудот бўлиши лозимдир.

Шунингдек, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида юридик шахслар жавобгарлигига нисбатан ўзига хос ёндашув мавжуд. Масалан, Франция [59] ва Венгрия [60] қонунчилигига кўра, юридик шахслар, содир этилган жиноий қилмиш учун жисмоний шахс аниқланган тақдирда жавобгарликка тортилади. Бельгия [61], Исландия [62] ва Финляндия [63] қонунчилигида жиноят содир этилишида айбдор бўлган жисмоний шахслар аниқланган ёки аниқланмаганидан қатъи назар юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади. Бундан ташқари, хорижий давлатларда юридик шахс мақомини қонунчиликда ифодалаш борасида ҳам турлича иборалардан фойдаланилади. Масалан, Канада қонунчилиги [64] да ташкилотларни жавобгарлик субъекти сифатида белгилашда давлат органи, юридик шахс, жамият, фирма, корхона, ширкат, касаба уюшмаси ҳамда умумий мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил этилган, бошқарув тузилмасига эга бўлган шахслар бирлашмалари назарда тутилади.

Бельгия жиноят қонунида юридик шахслар жиноий жавобгарлик субъекти сифатида вақтинчалик бирлашма ва ноошкора ширкатлар ҳамда ташкил этилган ёки ташкил этиш босқичида бўлган тижорат ширкатлари тарзида ифодалангани [65].

Молдова [66] да ҳокимият органлари, Бирлашган Араб Амирликларида ҳукумат ва унинг органлари, департаментлари ва жамоат бирлашмалари юридик шахс сифатида жавобгарликка тортилмайди [67]. Франция [68], Бельгия [69], Дания [70] ва Исландия [71] давлатлари қонунчилигида эса ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам юридик шахс сифатида жавобгарликка тортилиши мумкин. Аммо ушбу мамалакатларда давлат органлари учун жиноий жавобгарликка тортиш истисно этилади.

Хорижий давлатлар қонунчилигида юридик шахсларга нисбатан жиноий жазо белгилашда ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Австрия жиноят қонунида юридик шахсларга барча тоифадаги субъектлар учун тайинланадиган жазолар қўлланилади ҳамда қонунчиликнинг айрим нормаларида назарда тутилган жазо турлари юридик шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги ҳақидаги қоидалар белгиланган [72]. Хусусан, аксарият давлатлар қонунчилигида юридик шахсларга жарима жазоси қўлланилиши назарда тутилган. Ушбу жазо юридик шахс жавобгарлигини назарда тутувчи (Албаниядан ташқари) деярли барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида назарда тутилган. Масалан, Австралия, Австрия, Дания, Исландия, Литва, Янги Зеландия, Швейцария, Хитой ва Финляндия жиноят қонунчилигида жарима жазоси (корпоратив жарима) юридик шахсларга нисбатан тайинланадиган ягона жазо тури ҳисобланади. Бошқа бир қатор давлатлар қонунчилигида юридик шахсларга икки ёки ундан ортиқ жазо турлари қўлланилиши қайд қилинган. Масалан, юридик шахсларга тайинланадиган жазо тури Норвегияда иккитани, Испанияда тўрттани, Бельгияда олтитани ва Францияда тўққизтани ташкил этади.

Модомики, хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлиliga кўра, юридик шахсларга нисбатан тайинланадиган жазо турлари қаторида жаримадан ташқари қуйидагилар назарда тутилган: 1) мусодара қилиш (Албания, Бельгия, Ироқ, АҚШ, Франция); 2) юридик шахс фаолиятини чеклаш, шунингдек алоҳида фаолият турлари билан шуғулланишни тақиқлаш, бўлинма ёки филиалларни ёпиш (Албания, Бельгия, Испания, Литва, Молдова, Перу, Франция); 3) юридик шахс фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш (Испания, Перу); 4) юридик шахсни тугатиш (Бельгия, Литва, Молдова, Перу, Франция); 5) ҳукми оммавий эълон қилиш (Бельгия, Франция) каби жазолар [73].

Франция қонунчилигида юқорида таъкидланганлардан ташқари, юридик шахсларга нисбатан муайян муддатга суд назоратига олиш; айрим ҳуқуқларини чеклаш, масалан, давлат билан тузиладиган шартномаларда иштирок этиш ҳуқуқидан, қимматли қоғозлар ёки омонатларини қўйиш бўйича оммага мурожаат этиш ҳамда кредит карточкалари ёки чек билан мурожаат этиш ҳуқуқларидан маҳрум қилиш; бир ёки бир неча турдаги жамоа ёки касбий фаолият билан бевосита ёки билвосита шуғулланишни тақиқлаш, бутун ташкилотни ёхуд унинг бир ёки бир неча бўлимлари фаолиятини тугатиш каби жазолар ҳам қўлланилади [74].

Ҳолбуки, юридик шахсларга қўлланиладиган жазо турлари ҳам асосий ва кўшимча жазо турларига ажратилади. Аксарият давлатлар қонунчилигида жарима ва юридик шахсни тугатиш асосий жазо турлари сифатида қўлланилади. Бошқа турдаги жазолар давлатларнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳам асосий, ҳам кўшимча жазо тури сифатида тайинланади. Масалан, Молдова қонунчилигида жисмоний шахсни муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва унинг фаолиятини тугатиш ҳам асосий, ҳам кўшимча жазо сифатида назарда тутилган. Хусусан, Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 63-моддасида юридик шахсларга жазо тури сифатида жарима, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, юридик шахсни тугатиш каби жазо турлари мавжуд. Жарима асосий жазо тури сифатида, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, юридик шахсни тугатиш ҳам асосий, ҳам кўшимча жазо тури сифатида қўлланилиши мумкин [75].

Грузия Жиноят кодексининг 107<sup>3</sup>-моддасида юридик шахсларга жазо тури сифатида юридик шахсни тугатиш, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жарима, мулкдан маҳрум қилиш каби жазо турлари мавжуд. Юридик шахсларга жазо тури сифатида юридик шахсни тугатиш, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси фақат асосий жазо тури сифатида қўлланилиши мумкин. Жарима асосий жазо тури сифатида ҳам, қўшимча жазо тури сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Мулкдан маҳрум қилиш фақат қўшимча жазо тури сифатида қўлланилиши мумкин [76].

Шунингдек, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш ҳақидаги талаблар турли халқаро ҳужжатларда ҳам белгиланган. Масалан, бундай ҳужжатлар қаторида «Янги халқаро иқтисодий тартиб ва ривожланиш контекстида жиноий одил судлов ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги раҳбарий принциплар (Ҳуқуқбузарлар билан муаомала қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича БМТнинг еттинчи Конгрессида қабул қилинган Милан ҳаракатлар режасига илова, Милан (Италия) 26 август – 6 сентябрь 1985 йил) [77], «Хўжалик фаолияти юритиш вақтида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахс бўлган корхоналарнинг жавобгарлиги тўғрисида» тавсиялар (Европа Кенгаши Вазирилар кўмитасининг 1988 йил 20 октябрдаги R (88) 18-сонли қарори билан қабул қилинган) [78], Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши (Нью-Йорк) [79] ва 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши конвенциялари [80] ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Юқоридагилар билан бирга хорижий давлатлар қонунчилигида чекланган ақли расолик билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларнинг тартибга солиниши ўзига хос хусусият касб этади. Чунончи, бир қатор хорижий давлатлар ўзларининг жиноят қонунларида чекланган ақли расолик институтини назарда тутди. Жумладан, Япония, Швейцария, Италия ва Финляндия ва бошқа мамлакатлар Жиноят кодексларида чекланган ақли расолик институти мавжуд. Масалан, Швейцария Жиноят кодексининг 11-моддасида: *«Жиноятчи, агар руҳий фаолияти ёки англаш қобилиятининг бузилиши ёхуд ақлий ривожланишнинг етарли эмаслиги туфайли жиноят содир этаётган пайтда ўз хулқ-атворини ҳуқуққа хилоф эканлигини тўла равишда баҳолаш қобилиятига эга бўлмаса ва шу асосда ҳаракатланган бўлса, чекланган ақли расолик, деб топилди»* [81], дейилади. Суд амалиётига кўра, судлар мазкур моддага мувофиқ, бундай шахсга нисбатан ўз ихтиёри бўйича жазони енгиллаштириши ёки эксперт хулосаси асосида айбланувчини тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги масалани ҳал қилади. Кўриб турганимиздек, мазкур таҳрирда чекланган ақли расоликнинг тиббий мезонлари (руҳий фаолиятнинг бузилиши, англаш қобилиятининг бузилиши, ақлий ривожланишнинг етарли эмаслиги) кўрсатилган.

Руҳий ҳолатининг бузилиши туфайли келиб чиқадиган чекланган ақли расолик ҳақидаги норма Германия Жиноят кодексиди ҳам белгиланган. Жумладан, Германия Жиноят кодекси [82] нинг 21-§да *«чекланган (пасайган) ақли расолик»* масаласи назарда тутилган бўлиб, унда *«агар – 20-§да кўрсатилган сабаблардан бири бўйича (яъни, руҳий касаллик, онгнинг чуқур ўзгариши ёки бошқа оғир руҳий ҳолатнинг бузилиши) жиноят содир этиш вақтида шахс қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаш қобилияти пасайган ва шундай тушунча билан ҳаракат қилган бўлса, жазо 49-§ 1-хатбошисига мувофиқ енгиллаштирилиши мумкин»*, деб белгиланади. Германия ҳуқуқни қўллаш амалиётида гипноз ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан кучли патологик мастлик ҳолати онгнинг чуқур ўзгариши сифатида баҳоланади. Бунда немис жиноят қонунининг ўзига хослиги шундаки, унда чекланган ақли расоликнинг тиббий мезонлари айнан ақли расоликнинг (20-§) тиббий мезонлари асосида очиб берилади. Руҳий ҳолат бузилишининг бу турлари ўртасида фарқ уларнинг юридик мезонлари (психологик) асосида амалга оширилади. Франция Жиноят кодексиди эса чекланган ақли расолик ҳақидаги нормалар куйидагича ҳал қиланади: *яъни, ушбу кодекснинг 122-1-моддаси 2-қисмида, жиноят содир этиш вақтида бирон бир руҳий ҳолат ёки руҳий-асаб фаолиятидаги бузилишлар шахс ҳаракатларини англаш қобилиятининг пасайишига ёки уни бошқаришига ҳалал берган бўлса, чекланган ақли расолик, деб топилди кўрсатилган* [83].

Австрия Жиноят кодексининг 4-бобида (34-§. Жавобгарликни енгиллаштирувчи алоҳида ҳолатлар, 1-банди) «*руҳий аномалия туфайли ҳақиқатда рўй берган воқеаларни тўлиқ даражада тушунмаган шахс*»га нисбатан жазо енгиллаштирилиши мумкинлиги белгиланган[84]. Дания Жиноят кодексининг 17-§да эса руҳий аномалия ҳолатида жиноят содир этиш жазо тайинлашга таъсир кўрсатади. Бунда ақли норасолик ҳисобланмаган, руҳий қобилятнинг бузилиши ёки пасайиши туфайли унинг етарли ривожланмаганлиги ҳамда ақли заифликнинг енгил шакли руҳий аномалия ҳолати деб топилади[85]. Демак, Австрия ва Дания Жиноят кодекслари чекланган ақли расолик ҳолатини келтириб чиқарувчи мезон сифатида руҳий аномалия ҳолатини белгилайди.

Шу билан бирга, чекланган ақли расолик институти Япония жиноят қонунида ҳам назарда тутилган. Жумладан, Япония жиноят ҳуқуқида чекланган ақли расолик институти ўзига хос тарзда белгиланган. Яъни, Япония Жиноят кодексининг 16-моддасида: «*шахс психикасининг зарар кўриши туфайли яхши ва ёмон хулқ-атвори фарқлай олиш қобилятини йўқотса ва шахс бундай фарқлай олмаслик билан боғлиқ тарзда ҳаракат қилган бўлса жиноий жазоланмайди*», дейилади. Бунда психиканинг зарар кўриши биологик мезон сифатида қаралса, қилмишини назорат қилиш қобиляти психологик мезон сифатида баҳоланади.

Испания жиноят ҳуқуқида ҳам чекланган ақли расолик масаласи ўзига хос тарзда ҳал қилинган. Хусусан, Испания Жиноят кодексининг 21-моддасига биноан,

1) жиноий қилмишни содир этиш вақтида бирон-бир руҳий оғишлар ёки унинг бузилиши туфайли қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англамаган ёхуд ҳаракатларини бошқара олмаган бўлса;

2) жиноят содир этиш вақтида кучли алкоголь заҳарланиш ҳолатида, заҳарловчи ёки наркотик воситалар, психотроп ва бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш ниятини кўзламаган ёки унинг содир этилишини кўра олмаган ёхуд кўра олиши мумкин бўлмаган вазиятда бўлса;

3) туғилишдан ёки болаликдан воқеликни англаб этиш имконини бермайдиган тарзда руҳий ҳолати азият чекса, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Қонунга мувофиқ, руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилиши жиноят субъекти томонидан қасддан кўзгатирилган бўлса, бундай ҳолат жазодан озод қилиш учун асос ҳисобланмайди [86].

Бундан ташқари, чекланган ақли расолик Беларусь Республикаси, Озарбайжон, Тожикистон Республикаси, Россия Федерациясида ҳам жиноий жавобгарликни назарада тутувчи ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлловчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 22-моддасида «*Жиноят содир этиш вақтида руҳий ҳолатининг бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилиги ва фактик хусусиятларини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган ақли расо шахс жиноий жавобгарликка тортилади*» [87], дейилади.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида мастлик ҳолатида жиноят содир этиш, унинг айб ва жавобгарликка таъсир кўрсатиши масалалари ўзига хос тарзда тартибга солинган. Масалан, Латвия ва Куба жиноят қонунида мастлик ҳолати жавобгарликнинг ҳам оғирлаштирувчи, ҳам енгиллаштирувчи ҳолати сифатида белгиланган, Болгария Жиноят кодексига эса мастлик ҳолатида содир этилган қилмишлар алоҳида жиноят таркибларида квалификация қилинувчи белги сифатида назарда тутилган (қасддан одам ўлдириш жинояти ва бошқ.).

Германия Жиноят кодексига бу ҳолат била туриб мастлик ҳолатига келтириш деб номланиб, агар шахс маст бўлган вазиятда қонун билан тақиқланган жиноий қилмишларни содир этишга эҳтимолий қўл уриши мумкинлигини англай оладиган шароитда бўлса ва шунга қарамай ўзини шундай ҳолатга келтирган бўлса, унга нисабатан жазони енгиллаштириш имконияти қўлланилмайди. Бироқ, агарда, рўй берган вазиятда бунга аксинча бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги аниқланса, ҳуқуқбузарга нисабатан чекланган ақли расолик асосларини назарда тутувчи қоидалар қўлланиши мумкин[88]. Шунингдек, Австрия Жиноят кодексига мастлик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг жазосини енгиллаштириш имконияти ҳам кўзда тутилган.

Аммо бу шахснинг жиноятдан олдинги хулқ-атвориға боғлиқ бўлади. Яъни: Австрия Жиноят кодексининг 35-параграфида, «агар шахс ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда мастлик ҳолатида бўлса ва ушбу ҳолат мастлик ҳолатиға олиб келувчи воситаларни истеъмол қилиниши билан боғлиқ бўлган ҳолда ақли расолик чегарасининг пасайиши мумкинлиғига шубҳа уйғотмаса, унга нисбатан жазо енгиллаштирилиши мумкин» [89], дейилган.

Филиппин ЖК 15-моддасида, «Агар, шахс жиддий жиноятларнинг содир этилишида, атайлаб ўзини мастлик ҳолатиға келтирилмаган бўлса, бундай ҳолат жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади, буроқ у одат тусиға айланган ёки атайлаб келтириб чиқарилган тақдирда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади», деб кўрсатилган.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 23-моддасида, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 30-моддасида, шунингдек Украина Жиноят кодексининг 21-моддасида мастлик ҳолати умумий тарзда белгиланиб, уларда «алкоголь, наркотик воситалари ёки одамнинг ақл-иродасиға таъсир этувчи бошқа моддаларнинг истеъмол қилиниши туфайли келиб чиққан мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди», деган қоида белгиланган.

Норвегия (45-параграф) Жиноят кодексида ихтиёрий равишда мастлик ҳолатининг келтириб чиқарилганлиғи жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган. Исландия қонунчилиғи бўйича ихтиёрий мастлик ҳолати натижасида ўзини ўзи назорат қилинишининг тўлиқ йўқотилиши (ақли норасолик) жазодан озод қилувчи ҳолат сифатида белгиланган. Польша Жиноят кодексининг 31-моддасида эса мастлик ҳолатини ақли норасолик ёки чекланган ақли расолик деб баҳоланиши ҳақидаги қоидалар келтирилган. Бироқ ушбу моддаға мувофиқ агар мастлик ҳолати ихтиёрий равишда унинг оқибатларини англаган ҳолда қилинган бўлса, бундай ҳолат жиноий жавобгарликни озод қилмаслиғи ёки жавобгарликни енгиллаштирамаслиғи таъкидланади.

Литва жиноят қонунида мазкур масала ўзига хос тарзда баён қилинган, яъни Литва ЖК 19-моддасида «Мастлик ҳолатида қасд ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва ўртача оғирликдаги жиноятларни содир этган шахс, агарда ўз иродасиға қарши равишда маст қилувчи ёки ақл-идрокка таъсир этувчи воситаларни истеъмол қилишға мажбурланган ва натижада ўз жиноий қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини тўла даражада англамаган ёки ўз ҳаракатларини бошқара олмаган бўлса, у жиноий жавобгарликдан озод қилинади; агар шахс юқорида кўрсатилган шароитда оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади, бироқ унга тайинланадиган жазо енгиллаштирилиши мумкин»лиғи қайд қилинган.

Эрон, Саудия Арабистони ва Данияда ихтиёрий равишда ўзини мастлик ҳолатиға келтириш фактининг ўзи мустақил жиноят таркибини келтириб чиқаради. Масалан, Дания Жиноят кодекси 138-параграфида «ҳар қандай шахс қасддан ёки ўта эҳтиётсизлик туфайли ўзини алкоголь мастлик ҳолатиға келтириши, агарда бошқаларға ёки қимматбаҳо мулкларға таҳдид солса, жарима ёки оддий қамоққа олишға ҳукм қилинади», деб кўрсатилган.

## IQTIBOSLAR/СНОСКИ/REFERENCES

1. Крылова, Н. Е. Уголовное право Франции: Учебное пособие для бакалавриата и магистратуры. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. – С. 89.
2. [https://www.legislationline.org/download/id/8363/file/Ireland\\_Criminal\\_Law\\_Act\\_1997\\_am2019\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8363/file/Ireland_Criminal_Law_Act_1997_am2019_en.pdf)
3. Schweizerisches Strafgesetzbuch vom 21. Dezember 1937 (Stand am 3. März 2020) // <https://business-swiss.ch/wp-content/uploads/2020/04/311.0.pdf>.
4. David Brown, David Farrier, Luke McNamara, Alex Steel, Michael Grewcock. Criminal Laws 7th edition. Materials and Commentary on Criminal Law and Process of NSW. L. 2020. P. 1504.
5. Уголовное право зарубежных стран: учебное пособие / Л. С. Аистова, Д. Ю. Краев. — Санкт-Петербург: Санкт Петербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2013. — С. 36.
6. Голованова Н.А. Уголовное право Англии: учеб. пособие для бакалавриата и магистратуры. – М.: Издательство Юрайт, 2017. – С. 88.
7. [https://www.legislationline.org/download/id/6453/file/Turkey\\_CC\\_2004\\_am2016\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6453/file/Turkey_CC_2004_am2016_en.pdf)
8. Loi sur la preuve au Canada // [https://www.legislationline.org/download/id/8431/file/Canada\\_Evidence\\_Act\\_1985\\_am092019\\_en\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8431/file/Canada_Evidence_Act_1985_am092019_en_fr.pdf)
9. Козочкин, И. Д. Уголовное право США: учебное пособие для бакалавриата и магистратуры. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. — С. 65.
10. Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила). Приняты [резолюцией 40/33](#) Генеральной Ассамблеи от 29 ноября 1985 года // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/beijing\\_rules.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml)
11. Nouveau Code Pénal // [https://www.legislationline.org/download/id/6357/file/Andorra\\_CC\\_2005\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6357/file/Andorra_CC_2005_fr.pdf)
12. Criminal code of Georgia // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/ge/ge009en.pdf>
13. Criminal Code of Denmark // [https://www.legislationline.org/download/id/6372/file/Denmark\\_Criminal\\_Code\\_am2005\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6372/file/Denmark_Criminal_Code_am2005_en.pdf)
14. Игнатова, М. А. Уголовное право Италии: учебное пособие для бакалавриата и магистратуры / М. А. Игнатова. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. — С. 96.
15. Criminal Law of the Republic of Latvia (1998, amended 2018) // [https://www.legislationline.org/download/id/8266/file/Latvia\\_CC\\_1998\\_am2018\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8266/file/Latvia_CC_1998_am2018_en.pdf)
16. Penal Code of the Kingdom of Norway (1902, amended 2020) // [https://www.legislationline.org/download/id/8745/file/Norway\\_Penal\\_Code\\_2005\\_am2020\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8745/file/Norway_Penal_Code_2005_am2020_en.pdf)
17. Criminal Code of the Czech Republic (2009, amended 2011) // [https://www.legislationline.org/download/id/6370/file/Czech%20Republic\\_CC\\_2009\\_am2011\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6370/file/Czech%20Republic_CC_2009_am2011_en.pdf)
18. Criminal code of the Kingdom of Sweden (1962, amended 2020) // [https://www.legislationline.org/download/id/8662/file/Sweden\\_criminal\\_code\\_am2020\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8662/file/Sweden_criminal_code_am2020_en.pdf)
19. Criminal Code of the Republic of Estonia (2001, amended 2019) // [https://www.legislationline.org/download/id/8244/file/Estonia\\_CC\\_am2019\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8244/file/Estonia_CC_am2019_en.pdf)
20. Уголовное право России. Общая часть: Учебник для академического бакалавриата / О. С. Капинус [и др.]; под редакцией О. С. Капинус. – 2-е изд. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. – С. 198.
21. Актуальные проблемы уголовного права: курс лекций / Под ред.: Капинус О.С.; Рук. авт. кол.: Ображиев К.В. – М.: Акад. Ген. прокуратуры РФ, 2016. – С. 110.
22. <https://www.livan.info/tag/ugolovnyj-kodeks-livana/>
23. Criminal code of the federal democratic republic of Ethiopia // <https://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/70993/75092/F1429731028/ETH70993.pdf>

24. [https://www.unodc.org/res/cld/document/tha/criminal-code-as-of-2008\\_html/Thailand\\_Criminal\\_Code.pdf](https://www.unodc.org/res/cld/document/tha/criminal-code-as-of-2008_html/Thailand_Criminal_Code.pdf)
25. Criminal Code of the Swiss Confederation (1937, amended 11.2019)// [https://www.legislationline.org/download/id/8561/file/Swiss\\_CC\\_1937\\_am112019\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8561/file/Swiss_CC_1937_am112019_en.pdf)
26. Code of Criminal Procedure of the Republic of North Macedonia (2010) // [https://www.legislationline.org/download/id/6377/file/FYROM\\_CPC\\_am2010\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6377/file/FYROM_CPC_am2010_en.pdf)
27. Уголовное право зарубежных стран в 3 т. Том 2. Общая часть. Франция. Германия. Италия. Япония: учебник для вузов / Н. Е. Крылова, В. Н. Еремин, М. А. Игнатова, А. В. Серебренникова; под редакцией Н. Е. Крыловой. — 5-е изд., перераб. и доп. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 185.
28. Мачковский Г. И. Уголовный кодекс Бельгии. — Спб.: Юридический центр Пресс, 2004. — 258.
29. Козочкин, И. Д. Уголовное право США: учебное пособие для вузов / И. Д. Козочкин. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 162.
30. Criminal Code of Lithuania (2000, amended 2017) // <https://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes/country/17/Liechtenstein/show>
31. Criminal code Socialist Republic of Vietnam // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/vn/vn086en.pdf>
32. Marshall Islands Criminal Code // <https://www.legal-tools.org/doc/82320a/pdf/>
33. Уголовный кодекс Китайской Народной Республики // <http://ru.china-embassy.org/rus/zfhz/zgflyd/t1330730.htm>
34. Criminal Procedure Code of the Republic of Poland (1997, amended 2003) // [https://www.legislationline.org/download/id/4172/file/Polish%20CPC%201997\\_am%202003\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/4172/file/Polish%20CPC%201997_am%202003_en.pdf)
35. Marshall Islands Criminal Code // <https://www.legal-tools.org/doc/82320a/pdf/>
36. Уголовное право зарубежных государств. Общая часть: учебник для вузов / А. В. Наумов [и др.]; под редакцией А. В. Наумова, А. Г. Кибальника. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С.98.
37. Criminal Code of the Republic of Albania (1995, amended 2017) // [https://www.legislationline.org/download/id/8235/file/Albania\\_CC\\_1995\\_am2017\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8235/file/Albania_CC_1995_am2017_en.pdf)
38. Penal Procedure Code of the Republic of Bulgaria (2006, amended 2011) // [https://www.legislationline.org/download/id/4152/file/PENAL\\_PROCEDURE\\_CODE\\_am2011\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/4152/file/PENAL_PROCEDURE_CODE_am2011_en.pdf)
39. Серебренникова, А. В. Уголовное право Германии: учебное пособие для вузов / А. В. Серебренникова. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 78.
40. [https://www.legislationline.org/download/id/8363/file/Ireland\\_Criminal\\_Law\\_Act\\_1997\\_am2019\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8363/file/Ireland_Criminal_Law_Act_1997_am2019_en.pdf)
41. Penal Code Singapore // <https://sso.agc.gov.sg/Act/PC1871>
42. [https://www.legislationline.org/download/id/6453/file/Turkey\\_CC\\_2004\\_am2016\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6453/file/Turkey_CC_2004_am2016_en.pdf)
43. Крылова, Н. Е. Уголовное право Франции: учебное пособие для вузов / Н. Е. Крылова. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 89.
44. Australian Criminal Code // <https://www.legislation.gov.au/Details/C2020C00245>
45. Penal Code Singapore // <https://sso.agc.gov.sg/Act/PC1871>
46. Penal code act Uganda // <https://ulii.org/ug/legislation/consolidated-act/120>
47. [https://www.legislationline.org/download/id/6453/file/Turkey\\_CC\\_2004\\_am2016\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6453/file/Turkey_CC_2004_am2016_en.pdf)
48. Уголовный кодекс Республики Сан-Марино. Пер. с ит. В.Г. Максимова. Науч. ред., вступ. ст. д.ю.н., проф. С.В. Максимова. — СПб., 2002. — С. 156.
49. Criminal Code of the Republic of Romania (2009, amended 2017) // [https://www.legislationline.org/download/id/8291/file/Romania\\_Penal%20Code\\_am2017\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8291/file/Romania_Penal%20Code_am2017_en.pdf)

50. Серебренникова, А. В. Уголовное право Германии: учебное пособие для вузов / А. В. Серебренникова. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 72.
51. Criminal Procedure Code of the Republic of Poland (1997, amended 2003) // [https://www.legislationline.org/download/id/4172/file/Polish%20CPC%201997\\_am%202003\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/4172/file/Polish%20CPC%201997_am%202003_en.pdf)
52. **Федоров А.В. Оценка эффективности ответственности юридических лиц как одно из направлений партнерства государства и бизнеса в противодействии коррупции // Юридический мир. – 2015. – № 12. – С. 37.**
53. Criminal Code of the Republic of Hungary // [https://www.legislationline.org/download/id/5619/file/HUngary\\_Criminal\\_Code\\_of\\_2012\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/5619/file/HUngary_Criminal_Code_of_2012_en.pdf)
54. Criminal Code of Denmark // [https://www.legislationline.org/download/id/6372/file/Denmark\\_Criminal\\_Code\\_am2005\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6372/file/Denmark_Criminal_Code_am2005_en.pdf)
55. Козочкин, И. Д. Уголовное право США: учебное пособие для вузов / И. Д. Козочкин. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 138.
56. Crimes Act 1961// <http://www.legislation.govt.nz/act/public/1961/0043/latest/whole.html>
57. Pakistan Penal Code (Act XLV of 1860)// <http://www.pakistani.org/pakistan/legislation/1860/actXLVof1860.html>
58. Уголовное право зарубежных государств. Общая часть: учебник для вузов / А. В. Наумов [и др.]; под редакцией А. В. Наумова, А. Г. Кибальника. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 146.
59. Criminal Code of the French Republic (as of January 2020) (French version) // [https://www.legislationline.org/download/id/8546/file/France\\_CC\\_am012020\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8546/file/France_CC_am012020_fr.pdf)
60. Criminal Code of the Republic of Hungary // [https://www.legislationline.org/download/id/5619/file/HUngary\\_Criminal\\_Code\\_of\\_2012\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/5619/file/HUngary_Criminal_Code_of_2012_en.pdf)
61. Criminal Code of the Kingdom of Belgium (1867, as of 2018) (French version) // [https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium\\_CC\\_1867\\_am2018\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf)
62. General Penal Code of Iceland (1940, amended 2015) (English version)// <https://www.legislationline.org/download/id/6159/file/General%20Penal%20Code%20of%20Iceland%201940,%20amended%202015.pdf>
63. Criminal Code of the Republic of Finland (1889, amended 2015) (English version) // [https://www.legislationline.org/download/id/6375/file/Finland\\_CC\\_1889\\_am2015\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6375/file/Finland_CC_1889_am2015_en.pdf)
64. Loi sur la preuve au Canada//[https://www.legislationline.org/download/id/8431/file/Canada\\_Evidence\\_Act\\_1985\\_am092019\\_en\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8431/file/Canada_Evidence_Act_1985_am092019_en_fr.pdf)
65. Criminal Code of the Kingdom of Belgium (1867, as of 2018) (French version) // [https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium\\_CC\\_1867\\_am2018\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf)
66. Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.09.2020 г.) // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30394923](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30394923)
67. УК ОАЭ. - СПб: Юридический центр, 2015. – С. 352.
68. Крылова, Н. Е. Уголовное право Франции: учебное пособие для бакалавриата и магистратуры. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. — С. 102.
69. Criminal Code of the Kingdom of Belgium (1867, as of 2018) (French version) // [https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium\\_CC\\_1867\\_am2018\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf)
70. Criminal Code of Denmark // [https://www.legislationline.org/download/id/6372/file/Denmark\\_Criminal\\_Code\\_am2005\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6372/file/Denmark_Criminal_Code_am2005_en.pdf)
71. General Penal Code of Iceland (1940, amended 2015) (English version)// <https://www.legislationline.org/download/id/6159/file/General%20Penal%20Code%20of%20Iceland%201940,%20amended%202015.pdf>
72. Criminal Code of the Republic of Austria (1974, amended 2019) (German version) // [https://www.legislationline.org/download/id/8548/file/Austria\\_CC\\_1974\\_am122019\\_de.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8548/file/Austria_CC_1974_am122019_de.pdf)

73. Уголовное право зарубежных государств. Общая часть: учебник для вузов / А. В. Наумов [и др.]; под редакцией А. В. Наумова, А. Г. Кибальника. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 210.
74. Уголовное право зарубежных стран в 3 т. Том 2. Общая часть. Франция. Германия. Италия. Япония: учебник для вузов / Н. Е. Крылова, В. Н. Еремин, М. А. Игнатова, А. В. Серебренникова; под редакцией Н. Е. Крыловой. — 5-е изд., перераб. и доп. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 154.
75. Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.09.2020 г.) // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30394923](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30394923)
76. Criminal code of Georgia // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/ge/ge009en.pdf>
77. Руководящие принципы в области предупреждения преступности и уголовного правосудия в контексте развития и нового международного экономического порядка (приложение к Миланскому плану действий, принятому на седьмом Конгрессе ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, Милан (Италия), 26 августа - 6 сентября 1985 г.) // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=1025956#pos=1;-170](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1025956#pos=1;-170)
78. Фёдоров А.В. Из истории введения уголовной ответственности юридических лиц: Рекомендации № (88) 18 от 20 октября 1988 г. об ответственности предприятий // Вестник Академии Следственного комитета Российской Федерации. — 2015. — № 1. — С. 23-33.
79. Конвенция Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности / Принята [резолюцией 55/25](#) Генеральной Ассамблеи от 15 ноября 2000 года // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/orgcrime.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml)
80. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции / Принята [резолюцией 58/4](#) Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)
81. Кузнецова Н.Ф., Наумова А.В. Преступление и наказание в Англии, США, Франции, ФРГ, Японии. Общая часть уголовного права. — М., 2013. — С. 147. Krey V. Deutsches Rücktritt, Fahrlässigkeitsdelikte. Stuttgart: W. Kohlhammer, 34. Band 2. 2002. — P. 93.
82. Уголовное право зарубежных стран в 3 т. Том 2. Общая часть. Франция. Германия. Италия. Япония: учебник для вузов / Н. Е. Крылова, В. Н. Еремин, М. А. Игнатова, А. В. Серебренникова; под редакцией Н. Е. Крыловой. — 5-е изд., перераб. и доп. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С.98.
83. Спасенников Б.А. Медико-правовые аспекты невменяемости в иностранном законодательстве // Медицинское право. — 2015. — № 6. — С. 26-30.
84. Клюканова Т.Н. Уголовное право зарубежных стран. — СПб., 2014. — С. 186.
85. Полякова А.С. Зарубежный опыт решения проблемы ограниченной вменяемости //
86. Criminal Code of the Kingdom of Spain (1995, as of 2013) (English version) // [https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain\\_CC\\_am2013\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain_CC_am2013_en.pdf); Малиновский А.А. Уголовное право зарубежных стран. — М., 2016. — С. 112.
87. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 года № 63-ФЗ (с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.12.2020 г.) // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30397073](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30397073)
88. Уголовное право зарубежных стран в 3 т. Том 2. Общая часть. Франция. Германия. Италия. Япония: учебник для вузов / Н. Е. Крылова, В. Н. Еремин, М. А. Игнатова, А. В. Серебренникова; под редакцией Н. Е. Крыловой. — 5-е изд., перераб. и доп. — Москва: Издательство Юрайт, 2020. — С. 228.
89. Criminal Code of the Republic of Austria (1974, amended 2019) (German version) // [https://www.legislationline.org/download/id/8548/file/Austria\\_CC\\_1974\\_am122019\\_de.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8548/file/Austria_CC_1974_am122019_de.pdf)
90. Criminal Code of Denmark // [https://www.legislationline.org/download/id/6372/file/Denmark\\_Criminal\\_Code\\_am2005\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6372/file/Denmark_Criminal_Code_am2005_en.pdf)

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 5-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-5

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-5

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)